

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTАН

« 22 » май 2019 у.

№ 424

Toshkent sh.

**Йўловчиларни автобуста ташиш хавфсизлигини таъминлашга
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўтган даврда республикада йўл ҳаракати барча иштирокчиларинини хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирлар амалга оширилди, бунда йўл-транспорт ҳодисалари сонини кискартиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, мамлакатнинг туристик тармоғи ривожланаётган бир шароитда автобусларда йўловчилар ташиш тартибини, айниқса йўлларда хавфсизлигини таъминлаш юзасидан такомиллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар сифатига салбий таъсир кўрсатаётган бир қанча муаммолар кузатилмоқда.

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясига мувофиқ, йўловчилар хавфсизлиги талаблари тўлақонли ижро этилишини таъминлаш, автомобиль транспортида йўловчиларни ташишда йўл-транспорт ҳодисаларига йўл қўймаслик мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

тунги вақтларда вилоятлараро, шаҳарлараро, халқаро ва туристик йўналишлар (кейинги ўринларда йўналишлар деб аталади) бўйича автобусларда йўловчиларни, шунингдек, болалар гуруҳларини, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларини ташиш фақат махсус жиҳозланган хизмат автомобилларидан фойдаланган ҳолда ички ишлар органлари ҳамроҳлигида амалга оширилади;

автобусларга ички ишлар органларининг ҳамроҳлик қилиши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати бўлинмалари ва туризм хавфсизлигини таъминлаш бўлинмалари томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тартибида ёки шартномалар тузилган ҳолда пулли асосда амалга оширилади;

ички ишлар органлари ҳамроҳлик қиладиган автобуслар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ходимлари томонидан тегишли далолатнома тузилган ҳолда бевосита қатнов йўлига чиқишдан олдин техник ҳолати юзасидан мажбурий текширишдан ўтказилади;

қатнов йўллари бўйича автобусларда йўловчиларни ташишга лицензия битимларида лицензиатнинг автобусларни ҳайдовчининг толиққанлигини назорат қилиш қурилмалари билан таъминлаш мажбурияти назарда тутилади;

сменалар ўртасидаги дам олиш 12 соатдан камни ташкил этган автобуслар ҳайдовчиларининг сафарга чиқишига йўл қўйилмайди;

фойдаланиш муддати 15 йилдан ортиқ бўлган автобусларда йўловчиларни ташишга лицензия карточкалари берилишига йўл қўйилмайди.

2. Белгилансинки:

болалар гуруҳлари, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларини соат 22.00 дан соат 05.00 гача (ноябрь-февраль ойларида соат 21.00 дан соат 06.00 гача) қатнов йўллари бўйича ташишда автобусларнинг ички ишлар органлари ҳамроҳлигисиз ҳаракатланиши тақиқланади, болаларни темир йўл вокзаллари, аэропортларгача ва орқага ташиш, шунингдек, йўлларда туриб қолишда энг яқин тунаш жойигача ташиш бундан мустасно;

икки ва ундан ортиқ автобусларда экскурсия қилувчи, туристик ва бошқа гуруҳларни ташиш ички ишлар органлари ҳамроҳлигида колонна таркибида амалга оширилади;

хайрия мақсадларида ташкил этилган аҳолининг ижтимоий заиф тоифалари вакиллари сирасига кирадиган экскурсия қилувчи, туристик ва бошқа гуруҳларни ташишни бажарувчи автобусларга ҳамроҳлик қилиш тўлов тўланмасдан амалга оширилади;

ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича автотранспорт воситаларига алоҳида гуруҳлар ва тоифаларни ташишга ҳамроҳлик қилиш бепул асосда амалга оширилади;

2021 йил 1 январдан бошлаб фойдаланиш муддати 15 йилдан ортиқ бўлган автобусларда йўловчиларни ташиш тақиқланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига автобуслар ҳайдовчиларини тунги вақтларда ишлашга ўқитишнинг махсус курсларини ташкил этиш, шунингдек, ҳайдовчиларнинг меҳнати ва дам олиш режимига риоя қилиш устидан назорат қилиш механизмини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритсин, ушбу соҳада қоида бузилишлари учун жавобгарлик чораларини назарда тутсин;

“Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда заруратга кўра ҳайдовчининг толиққанлигини назорат қилиш қурилмаларини танлашда йўловчиларни ташувчиларга кўмаклансин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 январгача бўлган муддатда 2020-2035 йиллар даврида халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўлларининг ташқи ёритилиши дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси Транспорт вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда туристик йўналишлар бўйича автобуслар ҳаракатининг қатнов йўллари схемаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг экскурсия қилувчи, туристик ва республика ҳудуди бўйлаб бошқа сафарлар вақтида болалар, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари, аҳолининг ижтимоий заиф тоифалари вакиллари ташийдиган хизмат автотранспорт воситалари, автобусларга ҳамроҳлик қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлари ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

икки ой муддатда автотранспорт воситаларига ҳамроҳлик қилиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг амалдаги тартибини ва уларга тарифларни қайта кўриб чиқсин;

уч ой муддатда автотранспорт воситаларига ҳамроҳлик қилиш бўйича йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини белгиланган тартибда жорий этиш чора-тадбирларини кўрсин;

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

йўловчиларни қатнов йўллари бўйича ташиш учун кўп ўринли йўловчиларни ташийдиган автобусларни мақсадли сотиб олиш учун халқаро кредит ташкилотлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитларини жалб этиш;

автобусларни сотиб олишда кредитлар сотиб олинадиган автобусларнинг тўлиқ қиймати миқдоридаги гаров билан таъминлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида кредит бериш ва лизингнинг чекланган ставкаларини белгилаш тўғрисида таклифлар киритсинлар.

8. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари томонидан қабул килинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида” 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 108-модда) 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 мартдаги 111-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – транспорт вазири А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 22 майдаги
424-сон қарорига
1-илова

**Алоҳида гуруҳлар ва шахслар тоифаларини ташишга ҳамроҳлик қилиш
бепул асосда амалга ошириладиган автотранспорт воситаларининг
РЎЙХАТИ**

1. Ҳамроҳлик қилиш кўриқлаш тадбирлари доирасида амалга ошириладиган махсус мақсадли автотранспорт воситалари.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатлари билан тасдиқланган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг расмий давлат делегациялари бошлиқлари ва раҳбарларига, Ўзбекистон Республикасида расмий ташиф билан бўладиган давлат, сиёсий ва жамоат аربобларига ва бошқа шахсларга, халқаро конференциялар, фестиваллар, йиғилишлар ва бошқа оммавий тадбирлар иштирокчиларига хизмат кўрсатадиган транспорт воситалари.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига мувофиқ махсус юкларни ташийдиган автотранспорт воситалари.
4. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш бўйича тадбирларни ўтказишда ҳарбий колонналар, автотранспорт воситалари ва махсус техника.
5. Болалар гуруҳларини ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига ва орқага ташкилий ташийдиган автобуслар колонналари.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 22 майдаги
424-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
“Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва
багаж ташиниш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиниш
хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида”
2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарорига киритилаётган
қўшимчалар**

1-илованинг 19-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Туристик-экскурсия қилиш йўналишларда ишлашда автобусларнинг хайдовчилари туристик йўналишга хизмат кўрсатиладиган қатнов йўли схемасига эга бўлишлари керак”.

2-иловада:

а) 13-бандда қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Тунги вақтларда вилоятлараро, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар, туристик йўналишнинг қатнов йўли схемалари бўйича ҳаракатланаётган автобусларга ҳамроҳлик қилишни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати бўлинмаларини ёки хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларини хабардор қилиш ташувчи томонидан жўнаб кетишдан камида 12 соат олдин амалга оширилади”;

б) 4-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи-олтинчи хатбошилар қўшилсин:

“Болалар, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларининг экскурсия қилиш, туристик-экскурсия қилиш сафарларини ташкил этиш учун таълим муассасаси маъмурияти (ташкilotчи) жўнаб кетиш санасини, йўналишни ва жўнаб кетувчилар сонини кўрсатган ҳолда тегишли равишда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига ёки ўрта махсус таълим бошқармасига мурожаат қилади.

Болалар, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчиларининг экскурсия қилиш, туристик ва бошқа гуруҳлари жўнаб кетиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш, қоидага кўра, жўнаб кетиш санасигача 3 суткадан кечикмай қабул қилинади.

Жўнаб кетиш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ёки ўрта махсус таълим бошқармасининг рухсатномаси олингандан кейин таълим муассасаси маъмурияти (ташкilotчи) ташувчи билан шартнома тузади.

Таълим муассасаси маъмурияти (ташкilotчи) ташувчи билан шартнома тузилганидан кейин жўнаб кетиш санасигача уч иш кунидан кечикмай ҳаракатланиш санаси ва қатнов йўлини, шунингдек, барча йўловчилар рўйхатини, автобуслар тўғрисидаги (мансублилиги, маркаси, давлат рўйхатдан ўтказиш рақами белгиси) тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳамроҳликни ташкил этиш учун буюртманомани Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати томонидан бориладиган қатнов йўлида об-ҳаво ёки йўл шароитларининг номувофиқлиги, шу жумладан, бориш пунктига ҳаракатланишда чекланишлар мавжудлиги, шунингдек, транспорт воситалари ва ҳайдовчилар малакасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги талабларига номувофиқлиги ҳолатларида ҳамроҳлик қилиш рад этилиши ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин”.